



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2000 йил 30 сентябрь, шанба

№75 (11.260)

Эркин нархда сотилади

1 октябрь — Қўрғоққўлар ва мўраббийлар кўни

Байрамнингиз муборак, азиз устозлар!

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Мухтарам дўстлар! Аввало, дунёдаги энг шарафли касб эгалари бўлган сиз азизларни умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар кўни билан чин қалбимдан табриклаб, эзгу тилакларимни изҳор этишдан гоят бахтиёрман.

Сиз, қалби дарё устозлар жондан азиз фарзандларимизга нафақат билим ва тарбия, балки ҳаётнинг қадри, умрнинг маъно-мазмунини аниқлаш, инсоний меҳр-оқибат каби олижаноб фазилатлардан ҳам сабоқ берасиз.

Шу боис ҳам ўқитувчи деганда, ҳар бир инсон беихтиёр ўзининг беғубор болалигини, жўшқин ёшлик даврини, орзуларга тўла мактаб йилларини, муаллим ва мураббийларини соғинч ва ҳурмат-эҳтиром туйғулари билан эсга олади.

Инсон қалби ва онги учун кураш бораётган ҳозирги мураккаб замонда сиз каби заҳматқаш зотлар зиммасига юксак маънавиятли, эркин фикрли, истиқлол ғояларига фидойи, ватанпарвар ёшларни тарбиялашдек масъулиятли вазифа юклатилган.

Чунки биз бой тарихимизни чуқур билладиган, маданий меросимиз ва миллий қадриятларимизга ҳурмат билан қарайдиган, билим, ақл-заковат жиҳа-

тидан дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган соғлом ва баркамол авлодни тарбияламай туриб ўз олдимизга қўйган мақсадларимизга эриша олмаймиз.

Шу маънода, Ватанимиз равнақи, жамиятимизнинг ёруғ келажаги, аввало сиз, мухтарам устозларнинг машаққатли меҳнатингизга боғлиқ эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз ва юксак қадрлаймиз.

Қадрли устоз ва мураббийлар!

Мамлакатимизда таълим тизимини жаҳон андозалари асосида ислоҳ қилиш, янги-янги илм масканлари қуриш, уларни замонавий техника воситалари билан жиҳозлаш ишлари изчил давом этмоқда. Шубҳа йўқки, биз ўқитувчи ва мураббийларнинг обрў-эътиборини янада ошириш, ёшларимизнинг биздан кўра билимли, кучли ва албатта бахтли бўлишлари учун бундан кейин ҳам ҳеч нарсани аямаймиз.

Сизларни қутлуг байрам билан яна бир қарра муборакбод этаман. Барчангизга бахту саодат, хонадонларингизга тинчлик, эзгу ва шарафли ишингизда муваффақиятлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти.



ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМ — ЎҚУВЧИЛАРИМ

Сиз суратда кўриб турган Маърифат Мирзакалонова оддий ўзбек муаллими. У 28 йилдирки, Янгийўл шаҳридаги 16-ўрта мактабда юқори синфларга математика фанидан сабоқ бериб келади.

— Мен ўтган умримга, ўқитувчилик касбини танлаганимга сира ачинмайман, аксинча, фахрланаман, — дейди Маърифат Мирзакало-

нова. Чунки бизга келажақ авлодни тарбиялашдек энг катта ва масъулиятли вазифа ишониб топширилган. Бу ишонччи оқлаш мен учун энг катта бахт. Айниқса, истиқлол йилларида мамлакатимизда муаллимларга кўрсатилаётган эътибор ва ғам-хўрлик бизни мамнун этмоқда.

Баъзан мендан бадавлатмисиз, деб сўраб қолишди. Шунда бу саволга «менинг энг катта бойлигим — ўқувчиларим,

фарзандларим» деб жавоб бераман. Зеро, инсон учун юрда бошланган улуг ишларга муносиб воқис қолдиришдан буюк нэмат йўқ.

Бугун ана шундай улуг ва муътабар касб эгалари ўзларининг байрамларини нишонламоқдалар. Биз Маърифат Мирзакалонова сингари барча ўқитувчи ва мураббийларни бу кун билан муборакбод этамиз. Ўзининг бахтига ҳаммиса соғом бўлинг, азиз устозлар!

МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 29 сентябрдаги «Ўқитувчилар ва мураббийлар кўни — умумхалқ байрами муносабати билан мамлакатимизнинг таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатилган кўрсатилган ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони билан мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини ривожлантириш, Қадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш, ёшларга замонавий талаблар даражасида билим ва тарбия бериш, ёш авлод онгига юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни камол топтириш, уларни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, халқимизнинг илм-зиё салоҳиятини юксалтириш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси, ўзининг фидокорона меҳнати билан халқ иззат-ҳурматиға сазовор бўлган, юр-

тимизда истиқомат қилаётган барча миллатлар ўртасида дўстлик, тотувлик ва ўзаро ҳамжихатликни мустаҳкамлашдаги, таълим-тарбия тизимини ислоҳ этиш ва маънавий-маърифий янгилашни жараёнидаги фаол иштироки, ёш авлод онгига миллий истиқлол ғояларини синдириш, истеъдод эгаларини аниқлаш ва камол топтириш йўлидаги улкан ҳизматлари, ўқувчи ёшларда ватанпарварлик, фидойилик туйғуларини шакллантириш ҳамда уларни умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш ишига қўшган муносиб ҳиссаси учун республикамизнинг бир қатор устоз ва мураббийлари, таълим соҳаси ходимлари Ватанимизнинг юксак мукофотлари ва фахрий унвонлари билан тақдирландилар. Улар орасида вилоятимизнинг қуйидаги фидойи ўқитувчилари, устоз ва мураббийлари бор:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ»
Эгамбердиев Турсунбой Қурбонovich — Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туманидаги лицей-интернатнинг физика ўқитувчиси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ»
Жураев Усмон Тошпулатovich — Тошкент вилояти Бўка туманидаги 8-мактабнинг тарих ўқитувчиси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»
Жень Дмитрий Иванович — Тошкент вилояти Олмалик шаҳридаги 21-мактабнинг меҳнат ва чизмачилик ўқитувчиси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ»
Султанов Ҳамидулла Шералиевич — Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бокс бўйича мураббийси

«ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН
Абдусаматова Турсун Худойбергана — Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги 12-мактабнинг биология ўқитувчиси

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН
Юсалиев Эгамберди — Тошкент вилояти Бекобод туманидаги 40-мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси

«ДЎСТАЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН
Дўсанова Сауле Сейдалиева — Тошкент вилояти Қўрғоққў туманидаги 20-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

«ДЎСТАЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН
Козина Ольга Анатольевна — Тошкент вилояти Қўрғоққў туманидаги 34-мактабнинг тасвирий санъат ва чизмачилик ўқитувчиси

«ДЎСТАЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН
Тугай Павлина Христофоровна — Тошкент вилояти Қўрғоққў туманидаги 19-мактабнинг немис тили ўқитувчиси

«ДЎСТАЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН
Югай Алексей Семенович — Тошкент вилояти академик-лицей ва касб-хўнар коллежлари қурилиш дирекцияси раҳбари

«ДЎСТАЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН
Абдурахмонова Саодат — Тошкент вилояти Пескент туманидаги 6-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

«ДЎСТАЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН
Ашуров Рустам — Тошкент вилояти Паркент туманидаги 14-мактаб директори

«ДЎСТАЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН
Бежонова Мовлула Ориқовна — Тошкент туманидаги 11-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

«ДЎСТАЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН
Бекмурзаев Валерий Джанзатович — Тошкент вилояти Бекобод шаҳар мусика билим юрти ўқитувчиси

«ДЎСТАЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН
Жалолова Мўтабар — Тошкент вилояти Окқўрғон ту-

ридаги 15-мактабнинг одобно-ма ўқитувчиси

«ДЎСТАЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН
Мадризаева Инобат Миррахмонова — Тошкент вилояти Окқўрғон туманидаги 30-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

«ДЎСТАЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН
Махкаматова Дилором Махкаматова — Тошкент вилояти Чиноз туманидаги 2-мактабнинг тарих ўқитувчиси

«ДЎСТАЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН
Мухамедов Изатилла Согдиллаевич — Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 43-мактабнинг физика ва астрономия ўқитувчиси

«ДЎСТАЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН
Ноширова Дилбар Холдорона — Тошкент вилояти Бекобод шаҳридаги 8-мактабнинг кимё ўқитувчиси

«ДЎСТАЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН
Рахматуллаев Нигматулла Хайруллаевич — Тошкент вилояти Бўка туманидаги 32-мактабнинг физика ўқитувчиси

«ДЎСТАЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН
Султанова Матлуба Самыковна — Тошкент вилояти Охангарон шаҳридаги 3-мактабнинг ўзбек тили ўқитувчиси

«ДЎСТАЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН
Суҳанбердиев Юсуф Тухтасинович — Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги 27-мактабнинг француз тили ўқитувчиси

БУЮК БРИТАНИЯДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ НОМИДАГИ ТУРНИР

Британия кураш ассоциацияси ташаббуси билан Лондон яқинидаги Бедфорд шаҳарчасида 1-3 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номидаги кураш турнири ўтказилади

БУ ХУШХАБАР ўзбек кураш жаҳон спорт майдонида дадил кириб бораётганлигининг тасдиғидир. Қолаверса, биринчи марта ўтказилаётган ушбу мусобақанинг «Ислом Каримов номидаги турнир» деб аталishi ҳам беҳиз эмас. Чунки Юртбошимизнинг Халқаро кураш ассоциацияси фахрий Президенти сифатида курашнинг дунёдаги кўпгина мамлакатларга кенг ёйилиши ва ҳозирда-ноқ жаҳонда 31та кураш

ассоциацияси фаолият кўрсатишига қўшган ҳиссаси бекиёсдир.

Бедфорд беллашувларида Буюк Британиянинг барча минтақаларидан 80дан зиёд курашчи катнашади. Ўзбекистонлик 6 нафар полвон ҳам Бедфордга жўнаб кетди. Турнир иштирокчилари етти гуруҳга бўлиниб,

дастлабки беллашувларни бошлайдилар.

Ислом Каримов номидаги илк кураш турнирининг ўтказилиши муносабати билан уюштирилган матбуот анжуманида Халқаро кураш ассоциацияси президенти Комилжон Юсупов Бедфордда биринчи марта ўтказилаётган ушбу мусобақанинг истиқбо-

лига юксак баҳо берди. Чунки, «Ислом Каримов турнири»ни келаси йилдан бошлаб аънаваний халқаро турнирга айлантириш мўлжалланмоқда. Бу эса ўзбек курашининг бутун жаҳонда кенг ривожланиши ҳамда Олимпиада спорт турига айланишини тезлаштиришга ҳизмат қилиши шубҳасиздир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

ҲАРБИЙ ВА МУҚОБИЛ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ШАҲСЛАРНИ ҚҲРОЛЛИ ҚУЧЛАР САФЛАРИДАН ЗАҲИРАГА БЎШАТИШ ҲАМДА ҚУЧРОЛАРНИ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ВА МУҚОБИЛ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ва «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлариға мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Қуrollи Қучлари сафларидан заҳираға бўшатилин.

2. 1973-1982 йилларда ту-

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

Тошкент шаҳри, 2000 йил 28 сентябрь.

И.КАРИМОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Қ.Ғ.ҒУЛОМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОҒАА ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Қодир Ғафурович Ғуломов Ўзбекистон Республикаси Мудоғаа вазири этиб тайинлансин ва шу муносабат билан у Ўзбекистон Республикаси Мудоғаа вазирининг ўринбосари — Қуrollи Қучлар Академиясининг бошлиғи вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри, 2000 йил 29 сентябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ю.Н.АҒЗАМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОҒАА ВАЗИРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Юрий Набиевич Ағзамов бошқа ишға ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Мудоғаа вазири вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри, 2000 йил 29 сентябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Т.Й.ҚОСИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОҒАА ВАЗИРИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ — ҚУРОЛЛИ ҚУЧЛАР БИРЛАШГАН ШТАБИНИНГ БОШЛИҒИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Тулқин Йўлдошевич Қосимов Ўзбекистон Республикаси Мудоғаа вазирининг биринчи ўринбосари — Қуrollи Қучлар Бирлашган штабининг бошлиғи этиб тайинлансин ва шу муносабат билан у Мудоғаа вазирининг биринчи ўринбосари — Шарқий ҳарбий округ қўшинларининг қўмондони вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри, 2000 йил 29 сентябрь.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

БОЛАЛАР УЧУН СОҒ ДОРИЛАР

• Чирчиқдаги 30 нафар ногирон ва касалманд болаларға Франциянинг «ВИЖИОН» холдинг халқаро компанияси ишлаб чиқарган экологик соғ дори-дармонлар топширилди.



Республика Болалар жамғармасининг шаҳар бўлими Ўқувчилар ижодий саройида шу муносабат билан ўтказилган тадбирда мазкур компаниянинг Ўзбекистондаги дистрибьютери дори-дармонлар топши-

рилаётган болаларнинг ота-оналарига ва қаровчиларига ушбу шифо воситаларининг қўлланилиш тартиби ҳақида батафсил маълумот берди.

Салима ЯМИНОВА.

БАЛИК КОНСЕРВАЛАРИ ЎЗИМИЗДА ЧИҚАЯПТИ

Янги Тошкент Консерва заводи жамоаси яқинда яна бир хайрли ишға қўл урди. Маълумки, бу ерда узок йиллардан бери мева-сабзавот консервалари ишлаб чиқарилар ва истеъмол бозорига етказиб бериларди. Энди қорхонада маҳсулот тури яна биттаға қўлайди. Ишчи-хизматчилар виллоятимизнинг шу тармоқ санъатида янгилик бўлган балик консерваларини ишлаб чиқаришға киришдилар.



Шунинг учун фақат дўнпешона, зогорабалик консервалари тайёрланади. Кейинчалик бундай маҳсулотларнинг бошқа турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Қорхона жамоаси истеъмол бозоримизда жуда камёб бўлган бундай маҳсулотни тайёрлашни қисқа муддатларда ўзлаштирди. Мавжуд ишлаб чиқариш майдонлари ва асбоб-ускуналарни шунга мослаш-

Собир ҲАМИДОВ.

ҲАМ ТАБРИК, ҲАМ СОВҒА



Ўқитувчи ва МУРРА-Бийлар байрами муносабати билан Ўзбекистон телевидениесининг «Ешлар» телеканали ходимла-

ри Бўстонлик туманининг Октош қишлоғидаги 11-мактабға ташриф буюрдилар. Телеканал ижодкорлари мактаб педагогика жамоасини касб байрамлари билан табриклаш билан бирға ўқувчиларға зарур дарслик китобларни совға қилдилар. Улар ушбу мактабни ўз оталиқларига олганларидан буён ҳар йили хомийлик тадбирларини мунтазам ўтказиб келишмоқда.

Ўз мухбиримиз.

АЗИЗ ДЎСТЛАР! «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» га обуна давом этмоқда!

1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар кuni

Дунёда ҳар қайси касб-хунарнинг ўзига хос ўрни, аҳамияти ва кадр-қиймати бор. Аммо уларнинг орасида энг улуғ ва шарафлиси, бу — ўқитувчилик касбидир. Чунки муаллим ҳар биримизга сабоқ беради, ақл-идрокимизни юксалтиради, ҳаёт илмини ўргатади. Заҳматкаш устоз-мураббийларнинг меҳнат ва тарбияси туфайли қалбларимиз покланади, дилимизда олижаноб инсоний фазилатлар камол топади.

Ислон ҚАРИМОВ.



Сиз суратда кўриб турган болажонлар Ангрен шаҳридаги 20-ихтисослашган мактаб-интернатнинг аълочи ўқувчиларидир. Улар бўш вақтларида ҳар сафар меҳрибон устозлари Мавлудохон Қаюмованинг суҳбатларидан баҳраманд бўлишга ошиқадилар.

Чунки, Мавлудохон ҳам ўз ўқувчиларини яхши кўради. Улардан маслаҳатларини аямайди, қўлидан келганича болажонларга ёрдам беришга ҳаракат қилади.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ЁШ МУАЛЛИМЛАР УЧУН

Ўқитувчилар ва мураббийлар кuni арафасида вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш институтининг мажлислар залида «Маънавият ва мафкуралар тарбияси» мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди.

Республика Маънавият ва маърифат кенгаши Тошкент вилояти педагог ходимлар малакасини ошириш институтининг мажлислар залида «Маънавият ва мафкуралар тарбияси» мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди.

Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари муовини Султонмурод Олимов, Миллий мафкура илмий тарғибот маркази раҳбари Муҳаммаджон Куронов, Маънавият ва маърифат маркази бош мутахассиси Акром Акматов, Тошкент юридик институти доценти Маърифат Икромов, Тошкент кимё-технология институти доценти Эркин Қосимов ва вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш институти ректори Дилбар Маликовалар турли мавзуларда маърузалар қилдилар.

Семинарда институтга ўз малакаларини ошириш учун вилоят шаҳар ва туманларидан ташриф буюрган ёш ўқитувчиларнинг берган саволларига атрофлича жавоб қайтарилди.

Ўз мухбиримиз.

Халқимизда «устоз отангдек улуғ» деган ажойиб нақл бор. Жуда толиб айтилган сўз. Чунки, илк бора мактаб остонасига қадам қўйган болакайлар ва кизалоқлар энг аввало, устоз сабоқларидан баҳраманд бўладилар. Улар ўз ўқитувчиларидан дастлабки ҳарфларни ўрганадилар, ўқиб, сабоқ олиб, илму хунар эгаси бўладилар.

Ўқитувчилик, мураббийлик ана шундай улуғ иш. Аммо бу соҳанинг ҳокисор, билимли кишилари юртимизда ҳеч қачон бугунгидек эъзоз ва эътибор топмаганликлари ҳам рост. Истиқлол устозлар, муаллимлар қадрини чин маънода жойига қўйди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Олег Ахмедович Тожиев билан бўлган суҳбатимиз ҳам 1 октябрь — ўқитувчилар ва мураббийлар кuni арафасида бўлиб ўтди.

— Ўқитувчи, мураббий, устоз сўзлари замирида олам-олам мазмун яшириниб ётгани бежиз эмас. Албатта, уларнинг машаққатли меҳнатларини «иғнада кудук қазиб билан барабар», деб таърифлашди. Шу жиҳатдан олиб қараганда, вилоят халқ таълими жабҳасида хизмат қилаётган ўқитувчилар, мураббийлар, устозларимизнинг қай қайи яна кўпгина эканлигини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Мамлакатимиз маънавий ҳаётида шарафли касб эгалари бўлиш ўқитувчиларнинг, аниқроқ қилиб айтганда, халқ зийорларининг меҳнатлари муносиб қадр топмоқда.

Эндиликда ҳар йилнинг 1 октябрида ўқитувчилар ва мураббийлар кuni умумхалқ байрами сифатида нишонланмоқда. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг турмуш шароитини моддий жиҳатдан яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қабул қилган қарори ҳам шу соҳа кишиларига бўлган эътибор янада кучайганлигини далолат беради.

Ўзингиз айтдинг, яна қайси мамлакатда ўқитувчи, мураббий ва устозларга шунчалик эъзоз ва ҳурмат кўрсатилади.

Қадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури ва янги таҳрирдаги «Таълим тўғрисида»ги Қонун халқ таълими ривожини таъминлашда муҳим ҳужжат ҳисобланиб, таълим-

моқда. Ўтган ўқув йилига нисбатан мактаблар сони 2тага, ўқувчилар сони эса, 18641 нафарга кўпайди. Бундан ташқари, 590та болажонлар 70200 нафар кичиктоғларимизни ўз бағрига олган.

Ҳозирги кунда мактабларимизда 36339 нафар ўқитувчилар меҳнат қилишмоқда. Уларнинг 25419 нафари олий маълумотли педагоглардир. Бу умумий кўрсаткичнинг 69,9 фоизини ташкил этади.

Бу йилги ўқув йилида вилоят мактаблари ўқитувчилари сафига 1380 нафар ёш мутахассислар келиб қўшилди. Албатта, ўқитувчиларимизнинг ва бошқа халқ таълими ходимларининг малакаларини ошириб боришлари-

нафари учинчи совринли ўринларни эгалладилар.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун асосида болажонлар ва ўқувчиларнинг эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишда мактабдан ташқари муассасалар ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Жорий ўқув йилида мактабдан ташқари муассасаларда 2695та тўғараклар ташкил этилди.

«Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг асосий талабларидан бири бўлган узлуксиз таълимни ташкил этиш мақсадида Ангрен, Чирчиқ, Олмалик, Бекобод, Охангарон шаҳарларида, Қибрай, Тошкент, Ўртачирчиқ туманларида «боғча-мактаб» мажмуалари барпо этилди. Улар-

Жумладан, Охангарон туманидаги «Авазон» фермер хўжалиги томонидан 120 ўринли, вилоят ички ишлар бошқармаси хомийлигида Бекобод туманида 320 ўринли янги мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилди. «Ўзбекистон» ташкилоти Ўртачирчиқ туманидаги 48-мактабга 30 миллион сўмлик спорт мажмуасини қуриб берди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган тарихий ўзгаришларда, Қадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг ҳаётга таъсирини таъминлаш, навқирон фарзандларимизни тарбиялашда, уларни улуғ мутафаккир аҳлоқларимизнинг буюк ва бетакдор меросларига ворис бўлишларида, албатта, энг улуғ, энг шарафли касб эгалари — ўқитувчиларнинг ҳам қўшаётган ҳиссалари улкандир.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, бу шарафли ва зифатли адо этишда вилоятимиз халқ таълими муассасаларида ҳормай-томай меҳнат қилаётган ўқитувчиларимизнинг, мураббийларимизнинг, халқ таълими тизими ходимларининг ҳам ўзига хос улушлари бор албатта.

Берилган имкониятдан фойдаланиб, мен барча ўқитувчиларимизни, мураббийларимизни, устозларимизни, халқ таълими соҳасида фидойилик билан меҳнат қилаётган зийорларни Ўқитувчилар ва мураббийлар кuni билан чин қалбимдан таъриклиман. Уларга соғлиқ, омонлик, бахт-саодат ва ёш авлодин Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашларида сабот ва матонат ёр бўлишини тилайман.

Суҳбатдош Шавкат ҚУЛИБОВ.

УСТОЗЛАР БАЙРАМИ ҲАМ МАМЛИКATИМIZНИКИ

тарбиявий ишларни янги бошқича олиб чиқишимизда асосий дастурларга айланиб бормоқда. Шунингдек, барча туман ва шаҳарларда ўқувчиларнинг билим даражасини рейтинг усулида амалга ошириш бўйича тажриба-синов майдонлари ташкил этилган.

Ўқув йили давомида умумтаълим мактабларида ўтказилган тест синовлари, ёзма натижалари ўқувчиларимизнинг билим даражаси асосан дастур талабига жавоб бераётганлигини кўрсатади. Масалан 2000 йил март ойида ўтказилган республика олимпиадасида иштирок этган 18 нафар ўқувчиларимиздан тўрт нафари биринчи, бир

нинг сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Шунингдек, таълим муассасаларини янги 2000-2001 ўқув йилига тайёрлаш бўйича ишлар ҳам ўз вақтида амалга оширилди.

1 сентябрга капитал таъмирлаш режалаштирилган 51та мактабдан 48тасида, жорий таъмирлаш режалаштирилган 780та мактабда таъмирлаш ишлари тугалланди. Янги ўқув йилига жойлардаги хомий ташкилотлар, жамoa хўжаликлари ақиндан ёрдам бердилар. Хомийлар томонидан жами, 61,8 миллион сўм маблағ ажратилди.

• **Шарафли касбининг эгаси бўлган ўқитувчи абадий барҳаётдир. Чунки у эккан ниҳолларнинг ҳосили авлодлардан авлодларга ўта бориб, ундан эл баҳра топади.**

• **Энг бахтиёр, пиру бадавлат кишилардан бири ўқитувчи деса бўлади. Чунки у дунёдаги ҳар қандай жавоҳирлардан ҳам қимматли бўлган инсон фарзандига таълим бериб, уларни улуғ ишларга ворис қилиб қолдиради.**

ИСТАКЛАРИ РЎЁБГА ЧИҚДИ

КАДРЛАР тайёрлаш Миллий дастури амалга оширида бошлангандан буён таълим тарбия соҳасида катта ўзгаришлар рўй берди. Мустақиллигимизнинг тўққиз йиллиги арафасида вилоятимизда 4та касб-хунар коллежи фойдаланишга топширилганиги фикримизнинг далилидир.

Бу ЎҚУВ масканларидан бири бугун Куйичирчиқ туманининг чекка худудидagi Кўргонча қишлоғи кўрғига кўрк қўшиб турипти. Очигини айтганда илгари бу бир орзу эди. Ким ҳам уйлабди дейсиз вақти келиб қишлоқларда ҳам мана шундай салобатли ўқув қошоналари бунёд бўлади, деб. Мана, фурсат етди, орзу ушалди. Билим даргоҳи мутлақо янгича қиёфа касб этган. У 600 ўринга мўлжалланган бўлиб, бор-йўғи етти ой ичида бунёд этилди.

— Бу ерда ўрта мактабнинг тўққизинчи синфини битирган ўқувчилар қабул қилинади, — дейди қишлоқ касб-хунар коллежи раҳбари Ориф Аюпонов. — Ҳозирча иккита — бух-

галтерия ҳамда тикувчилик йўналишларида ўқув ташкил этилган. Қабул комиссиясига тушган аризалар бўйича бу йил 150 нафар ўқувчига талабалик насиб этди.

Коллеж қишлоқ ва халқ хўжалигига етук, тайёр кадрларни етказиб беради. Бирок уларни ҳар жиҳатдан баркамол, ўз касбининг моҳир усталари қилиб тарбиялаш учун замин яратилганми? Ўқитувчи-педагоглар замон талабларига жавоб бера оладиларми?

Коллежнинг очилиш маросимига сўзга чиққан вилоят ҳокими бу масала ҳусусида алоҳида тўхталиб:

— Келажакда бу билим масканида қандай ёшлар тарбия олади, уларга қандай ўқитувчилар билим беради?

Кўриниб турибдики, биринчи навбатда ўқитувчи кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор бериш керак. Чунки, таълим-тарбия самарамиз? Ўқитувчи-педагоглар замон талабларига жавоб бера оладиларми? Агар билимли, малакали кадрлар бўлмаса энг замонавий жиҳозлар, компьютер-хоналар ҳам ҳеч қандай натижа бермайди.

Дарҳақиқат, коллежга ўқитувчи кадрларни қабул қилишда уларнинг тажрибасига, малакаси ҳамда били-

мига алоҳида эътибор берилди. 35 нафар ўқитувчининг барчаси вилоят касб-хунар таълими бошқармаси томонидан аттестациядан ўтказилди. Уларнинг аксарияти олий ҳамда биринчи тоифали мутахассислардир.

Коллеж қурилишига 850 миллион сўм сарфланди. Иккита ўқув корпуси, ошхона, ўқув-ишлаб чиқариш биноси, барча қулайликларга эга бўлган юз ўринли ётоқхонага эга. Бундан ташқари футбол, баскетбол, волейбол ўйингоҳлари, теннис корти, харбий машқлар майдончаси бор. Ўқув жиҳозлари, кўргазмалар қуруллар — замонавий. Ёруғ ва шинам хоналарнинг иккитаси компю-

терлар, 8таси лингофон қурулмалари учун ажратилган. Кутубхона, қироатхона, спорт зали, кийиниш, ювиниш хоналари кишининг ҳавасини келтиради. Бундай шaroитда қайси йилги-қизининг ўқитиши келмайди, дейсиз?

Биз ана шундай талабалардан бирини суҳбатга тордик.

— Ёшлигимдан бухгалтер бўлишни орзу қилиб юрардим, — дейди Холмурод Ҳасанов, — орзуимга етдим ҳисоб. Чунки, талаба бўлдим. Келгусида бутун куч ва ғайратимни илм эгаллаш йўлида сарфламоқчиман. Коллежини тугаллагач, олий ўқув юртига кириб ўқимоқчиман.

Маънавият ва маърифат ишлари бўйича коллеж раҳбари муовини Хадича Набижўзаева яратилган шарт-шaroитлардан хурсандлигини айтди:

— Ўқув масканимизнинг моддий базасига ҳар қанча ҳавас қилса арзийди. Илгари фақат шаҳарларда бўларди бундай шaroитлар. Бунинг учун республикаимиз ҳукуматидан миннатдорим.

Савиджон МУСТАФОВ, Дониёр КАМОЛ.

• **Шу сонга** • **Шу сонга**

ҚИБРАЙЛИКЛАРНИНГ ЯНА БИР ЗАҒАРИ

ҚИБРАЙ тумани деҳқон ва боғбонлари давлатга галла, сабзавот, мева сотиш шартнома режасини мuddатидан илгари ортиги билан бажарган эдилар.

Кун кеча туман соҳибкорлари ҳам узум топириш режасини адо этидилар. Шартномада белгиланган 5630 тонна ўрнига 5640 тонна сифатли маҳсулот етказиб берилди.

Шуниси диққатга сазоворки, туманда кейинги йилларда узум ҳосили кўпайганидай бўлмай, режа сурункасига бажарилмай келаётган эди. Бу мавсумда эса соҳибкорлар тоқларни парвартиришда кескин бўрилиш ясашга эришдилар.

Ушбу меҳнат галабасида

Р. Мусамухамедов номли, «Байтқўргон», «Маданият», «Буроаста» ширкат хўжаликлари салмоқли ҳиссалари бор.

«Қибрай» хўжалиги боғбонлари ҳам шу кунгача 1620 тоннадан зиёд узум топириб, туман соҳибкорлари галабасига баракали улуш қўшдилар. Хўжалик тоқзорларида ҳозир ҳосил айна ғарқ пишиб етилган пайт. Улар яна қамиди 1500 тонна узум топириш имкониятига эгалар.

Абдуҳамид ҲОЗИЛОВ.

«ПАХТА-2000»

ҲАММА туманларда мавжуд терим машиналари тўла сафарбар этилганлиги вилоят бўйича кунлик суръатда 4 фойздан юқорига кўтарилиш имконини берди. Машина теримда Покент, Ўртачирчиқ, Бўка ва Оқўргон туманларида, айниқса, юксак унумдорликка эришилмоқда. Бу туманларда 28 сентябрь кунини машиналар билан 2000—2700 тоннадан ҳосил йиғиштириб олинди.

Покент тумани пахтакорлари кунлик суръатда пешқадамликни кўлдан бермаётдилар. Улар ўтган кунини йиллик режага нисбатан 5,20 фойз миқдорда пахта тайёрлашга эришдилар. Чиноз, Бўка, Бекобод, Юқоричирчиқ туманларида ҳам кунлик ўсиш 4,10—4,65 фойзга тенг бўлапти.

28 сентябрь кунини вилоятимиз бўйича далалардан 11 минг 214 тонна ҳосил йиғиб-териб олинди. Бу йиллик режага нисбатан 4,08 фойзини ташкил этади. Шу кунгача тайёрланган жами ҳосил эса 113 минг 920 тоннага ёки режага нисбатан 41,43 фойзга етди.

Вилоят туманларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 29 сентябргача бўлган МАЪЛУМОТ (фоиз ҳисобида)

Биринчи устун — туманлар, иккинчи устун — бир кунда терилган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён

Чиноз	4,65	57,16
Бўка	4,30	55,05
Янгийўл	3,86	50,43
Покент	5,20	50,37
Ўртачирчиқ	3,88	43,49
Оқўргон	3,84	37,14
Бекобод	4,21	34,75
Юқоричирчиқ	4,11	30,70
Куйичирчиқ	3,15	21,81
Вилоят бўйича	4,08	41,43

ЭНДИГИ МАРРА — ҚИРҚ ЦЕНТЕР

ҲАМРОҚУЛ Турсункулов номли жамoa хўжалигининг Раҳмонли Жабборов бошлик бригадаси пудратчилари давлатга пахта сотиш шартнома режасини Янгийўл туманида биринчи бўлиб бажардилар.

Бу йил 43 гектар майдонда ҳар қачонгидан ҳам мўл ҳосил етиштирган пудратчилар мавсум бошидаёқ кўл теримига зўр бериб, 12 иш кунда биринчи теримини аяқуладилар. Ҳосилдорлик 28 центнерданга тўғри келди. Бундан келадиган даромаднинг асосий қисми пудратчи оилаларнинг ўзига қолдиган бўлди.

Бундан ташқари Мавлуда Нормуродова, Мамлакат Абдуғафорова, Дилбар Ҳатамова, Диффуза Жабборовна сингари чевар теримчиларнинг ҳар бири бригада хирмонида 2,5-3 тоннадан «оқ олтин» тўкиб, нақд даромадли бўлдилар.

Бригада далаларида терим давом этапти. Пудратчилар ҳосилдорлики 40 центнерга етказиши мўлжаллашмоқда.

Аҳмаджон РИХСИБОВ.

Вилоят ҳокимлигида

КЕЛАЖАГИМИЗ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Шу йил 27 сентябрь кунини вилоят ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Терорчи гуруҳлар тарқибига адишиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларининг жинсий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида»ги Фармони ижросига бағишланган йиллиги бўлиб ўтди.

Унда вилоят ҳокимлиги бўлими ва бошқармалари бошлиқлари, шаҳар ва туман ҳокимларининг ижтимоий Алломова ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Йилгилишда сўзга чиққанлар ўз уйини асраш, мамлакатимиз ҳар бир фуқаросига бевосита тааллуқли эканлиги ҳамда фарзанд тарбиясига бепарво қараш гуноҳи азиям эканлиги, агар қўли қонга бўялган бўлса, адабий юрган фарзандларни кечириб ҳам савоб иш эканлиги ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Табриқда алоҳида эътироф этилишича, мустақилликнинг ўтган тўққиз йилли мобайнида мамлакатимизда 12та амнистия тўғрисидаги Фармон эълон қилинган бўлиб, адашганларни жинсий жавобгарликдан озод этиш борасидаги бу гапги Фармон аввалгиларидан кенг қамровлиги ҳамда одиллигини, инсонпарварлигини юксак намунаси сифатидаги Фармон эканлиги билан ақралиб туриши таъкидлаб ўтилди.

Мажлиси иштирокчилари мустақиллик берган барча имкониятлар, ошуда ҳаётимиздан фарзандларимиз ҳам баҳраманд бўлишлари учун янада жипслашиб, юрт тақдирини ўз тақдирини деб биламиз, деган яқдин фикрга келдилар. Мажлисида қўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Йилгилишда вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитасининг раиси Сайёра Ҳўжаева иштирок этди.

Ўз мухбиримиз.

ДУШАНБА, 2

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.45 «Тахилнома».8.45 ТВ-маркет.
8.50 «Дуниё болаларга берайлик». Мусикий дастур.

9.15 «Акс-садо ҳақида эртак». Мултифильм.

9.20 ТВ-метео.

9.30 «Ўзлик». Бадий-публицистик кўрсатув.

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.

10.05 «Олтин тож». Телевизион ўйин.

11.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти

12.05 000 йил — Соғлом авлод йили. «Соғлом авлод — бу бизнинг келажагимиз».

12.25 ТВ-метео.

12.45 «Оталар чоғонаси». Мусикий-дам олиш дастури.

13.45 ТВ-1 намоиш этади: «Телеанонс».

14.10 У. Азим. «Алломишнинг қайтиши». Андижон вилоят драма театрининг спектакли.

15.40 ТВ-клип.

15.50 Болалар учун. «Кичкин-тойимиз-гизингитойимиз».

16.15 «Жаҳвар». Публицистик кўрсатув.

16.30 ТВ-анонс.

16.40 «Тўғилиш доиралари бир кеча». Бадий фильм.

17.55 ТВ-маркет.

18.10 «Наво таралсин». Мусикий дастур.

18.25 ТВ-патруль.

18.35 «Табриқот».

18.50 «Бакти воқеа».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида).

20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 Биржа ва банк хабарлари.

20.30 «Ахборот».

21.05 «Санаъат — соадатим». Ўзбекистонда қизмат кўрсатган артист Р.Комиллов.

21.35 «Экспедиция». Телевизион премьераси. 19-қисм.

22.25 «Халқнинг кўнгли». «Спорт» дастури.

22.45 Теннис бўйича. «Фючерс». Халқаро турнири.

Ярим финал. Гулстон.

23.25 «Футбол шарҳи».

23.40 «Ахборот».

00.15 «Сени излаб». Қисқа метражлики телевизион бадий фильм.

00.50—00.55 «Ватан тимсоллари».



9.00 «Давр тонги».

10.00 Кўрсатувлар дастури.

10.05 «Янги авлод» студияси.

Болалар учун концерт. «Ўй вазираси». «Мулъттомоша».

10.55 Мусикий лаҳзалар.

11.00 «Давр» ҳафта ичида.

11.40 «Давр» Филми.

Телевизион.

12.30 Мусикий лаҳзалар.

12.40 «Дилбарим».

13.00 Вильям Шекспир.

«Отелло». Абдор Хидоятлов номидаги Ўзбек давлат драма театрининг спектакли.

2-қисм.

14.00 Ёшлар ва маънавият.

14.15 «Олтин мерос».

14.30 Вильям Шекспир.

«Отелло». Абдор Хидоятлов номидаги Ўзбек давлат драма театрининг спектакли.

2-қисм.

16.05 Мусикий лаҳзалар.

16.15 «О. Ўйлиги».

16.35 Автопанорама.

16.50 Мусикий лаҳзалар.

17.00 «Мезон».

17.20 Мусикий лаҳзалар.

17.30 Кўрсатувлар дастури.

17.35 «Янги авлод» студияси.

«Ким эгил-у, ким чакон». «Мулъттомоша».

18.10 Мусикий лаҳзалар.

18.25 «Ўзбектеlevision» намоиш этади: «Жаҳон узра ўзбек байроғи».

18.35 «Ўзлик».

18.50 «Ўзлик».

19.00 «Давр». Ахборот дастури.

19.30 ТВ-анонс.

19.35 «Эрта сўнган юлдузлар».

19.55 Мусикий лаҳзалар.

20.05 «Қишлоқдаги тенгдонлик».

20.25, 21.00, 22.30 Эълонлар.

20.30 «Аёл зоти». Телевизион.

5-қисм.

21.05 «Ёшлар овози».

21.25 Мусикий лаҳзалар.

21.35 Бир пиёла чой устидида.

21.55 «Ўзлик».

22.00 «Давр». Ахборот дастури.


22.30 Мусикий лаҳзалар.

22.40 «Даллас». Телевизион.

23.25 «Давр». Ахборот дастури.

23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.

1.10—1.15 «Хайри тун».



17.55 Кўрсатувлар тартиби.

18.00, 21.00, 23.00, 00.15 «Пойтахт». Ахборот дастури.

18.25 «Осийхалик фойдалари».

18.40 «Экспресс» телегазетаси.

18.55, 20.30 «Табриқлаймиз, кўтайлими».

19.45 ТТБда сериал: «Қора дур доналари».

21.25 «Омад» тележурнали.


22.10 «Спорт». Телевизион.

23.25 Оханлар ва эълонлар.

23.30 ТТБда сериал: «Машхур ва бадавлат одамлар».

00.40 «Хайри тун, шахрим!».

«ХААҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛА



14.00—15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

15.00 Кўрсатувлар тартиби.

15.05 «Мухаббат тарихи». Сериал.

15.45 «Клип-антракт».

15.55 «Бобил миносари». Сериал.

17.00 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатув.

17.10 Ўзбекистонда Япония маданияти кўнлари: «Бугунги Япония».

17.30 «Мулътчархалак».

17.50 «Мени кўтгил».

18.40 «Жадаллаштирилган ердан-2». Сериал.

19.15 «Қора хона: 21.00».

Сериал.

19.50 «Хайри тун, кичкинтойлар!».

20.00 «Время».

20.40 «Бизнес-ревью».

21.00 «Дил изхори».

СЕШАНБА, 3

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.35 «Ахборот».

8.35 ТВ-маркет.

8.40 Марказий газеталар шарҳи.

8.55 Ўзбек киноси ижодкорлари.

9.15 «Қўшқилор кўшқилари». Мусикий дастур.

9.30 ТВ-метео.

9.40 «Оқ бўлақ». Мулътфильм.

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.

10.05 Янги алифбонинг ўрганиши.

12.05 Кўндуги сеанс: «Ўйил бола гап». Бадий фильм.

11.55 ТВ-клип.

12.05 Болалар учун. «Гулгунча».

14.10 ТВ-анонс.

12.20 ТВ-метео.

12.30 «Экспедиция». Телевизион.

19-қисм.

13.20 «Шийлондаги ўрашувлар». Фаргона вилояти Олтиариқ тумани меҳнатқашлари ҳузурида.

14.10 Футбол. XX асрнинг сўнгги жаҳон чемпиони. Шотландия — Марокаш.

16.00 «Шоҳ Султон ҳақида эртак».

Мулътфильм.

16.55 «Ватанимга хизмат қилман».

17.55 ТВ-маркет.

18.10 Болалар учун. «Еш юлдуз».

18.30 «Сўнгги пушаймон».

18.45 «Мусика бекати».

18.55 «Фермер».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида).

20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 «Ташлим-тарбия миллий дастури амалда».

20.30 «Ахборот».

21.05 «Шийлондаги ўрашувлар».

20.00 Оқшом эртаклари.

21.05 «Навоийонлиги».

21.30 «Ахборот».

21.05 «Нихол» муқофоти совриндорлари иштирокида гала-концерт. «Халқлар дўстлиги» саройидан ёзиб олинган.

22.05 Теннис бўйича. «Фючерс».

Халқаро турнири. Финал ва ёпилиш маросими. Гулстон.

22.50 «Минг бир ҳадис». Теленовелла.

23.30 «Ахборот».

00.05 «Канонир Доласнинг саргузаштлари». Бадий фильм.

1-қисм.

1.30—1.35 «Ватан тимсоллари».

8.55 Кўрсатувлар дастури.

9.00 «Давр». Ахборот дастури.

9.15 «Янги авлод» студияси: «Ким эгил-у? Ким чакон?».

9.50 Мусикий лаҳзалар.

10.00 «Аср кўёфаси».

10.20 «Доктор Филми». Телевизион.

11.10 Мусикий лаҳзалар.

11.20 «ТВ-саҳаёт».

11.40 «Даллас». Телевизион.

12.25 «Садо-99» саҳифаларидан.

12.35 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.

14.05 «Асслас».

14.35 Мусикий лаҳзалар.

14.45 «Аёл зоти». Телевизион. 5-қисм.

15.15 Мусикий лаҳзалар.

15.20 «Қусто командасининг сув ости саргузаштлари». 33-қисм.

16.10 «Жаҳон зотрадаси».

16.35 Кўрсатувлар дастури.

16.40 «Янги авлод» студияси: «Боланинг тили». «Мулъттомоша».

17.05 «Жилволанмаган Африка».

17.15 «Тайн».

17.35 «Армон».

18.45 Мусикий лаҳзалар.

18.55 «Ўзлик».

19.00 «Давр». Ахборот дастури.

19.30 «ТВ-анонс».

19.35 «Биринчи мўъжиза».

19.55 «Олтин мерос».

20.05 «Давр»-интервью.

20.20 Мусикий лаҳзалар.

20.25 «Ватан манзаралари».

Мотурдуй.

20.45, 21.15, 22.30 Эълонлар.

20.50 «Аёл зоти». Телевизион. 6-қисм.

21.20 «Ёшлар овози».

21.40 «Онажон». Мусикий дастур.

21.55 «Ўзлик».

22.00 «Давр». Ахборот дастури.

22.30 Мусикий лаҳзалар.

22.40 «Даллас». Телевизион.

23.25 «Давр». Ахборот дастури.

23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.

1.10—1.15 «Хайри тун».

7.30 «Пойтахт». Ахборот дастури.

7.55 «Экспресс» телегазетаси.

8.10 «Омад» тележурнали.

8.55 «Рамаяна». 68-қисм.

9.30—9.55 «Пойтахт». Ахборот дастури (рус тилида).

17.55 Кўрсатувлар тартиби.

18.00, 21.00, 23.00, 00.15 «Пойтахт». Ахборот дастури.

18.25 Ўзбек Мусав. «Жаҳон-гашта Тимурлар».

18.45 «Экспресс» телегазетаси.

19.00, 20.30 «Табриқлаймиз, кўтайлими».

19.45 ТТБда сериал: «Қора дур доналари».

21.25 «Омад» тележурнали.

22.10 «Спорт». Телевизион.

23.25 Оханлар ва эълонлар.

23.30 ТТБда сериал: «Машхур ва бадавлат одамлар».

00.40 «Хайри тун, шахрим!».

«ХААҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛА

14.00—14.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

14.50 Кўрсатувлар тартиби.

14.55 «Мухаббат тарихи». Сериал.

15.50 «Клип-антракт».

15.55 «Бобил миносари». Сериал.

17.00 Мулътчархалак.

17.20 «Етти бошли аждаҳро фарзандлари». Ҳужжатли фильм.

18.10 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатув.

18.20 «ТВ-4да Немис тўлиқни».

18.35 «Забардоқ кўч». Сериал.

19.50 Хайри тун, кичкинтойлар!

20.00 «Время».

20.50 «Вакт хазинаси».

21.10 «Дил изхори».

21.45 «Соккер клуб».

22.00 «Вести».

22.30 Кинематограф.

«Маъбудлар тегирмони».

Бадий фильм. 1-қисм.

23.55 «Ахборот» (рус тилида).

00.20 «Тунингиз оуда бўлсин».

ЧОРШАНБА, 4

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.35 «Ахборот».

8.35 ТВ-маркет.

8.40 Марказий газеталар шарҳи.

8.55 Лирик тароналар.

9.15 «Ўзбектеlevision» намоиши: «Мусаввир». Гуллар юртининг дурдоналари.

9.40 ТВ-метео.

9.50 «Тиббиёт оламида».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.

10.05 «Қўғирчоқлар жонланганда».

10.30 Кўндуги сеанс: «Мен сизни севадим». Бадий фильм.

12.05 «Қамолот сари».

12.20 ТВ-метео.

12.30 «Мусика ва замон».

13.00 «Балли, раислар!». Телему-собака.

13.55 ТВ-анонс.

ҒОЛИБЛАР АҚШга йўл олди

Таълим соҳасидаги ислохотларнинг изчил амалга оширилишида халқаро нуфузли ташкилотлар билан ҳамкорлик муҳим ўрин тутди. АКСЕЛС — Халқаро таълим бўйича Америка кенгаши 1992 йилдан буйн республикамизда фаолият кўрсатиб, Ўзбекистондаги таълим муассасалари билан самарали ҳамкорлик қилиб келади.

Бунинг натижаси ўлароқ ўқувчилар, талабалар ва муаллимлар АҚШнинг нуфузли билим

даргоҳларида тахсил олиш, малака ошириш имкониятига эга бўлмоқда. Республика Халқ таъли-

ми вазирлиги АКСЕЛС ташкилоти билан биргаликда «Таълимда ҳамкорлик» дастури юзасидан мамлакатимиз мактабларининг ижтимоий фан ўқитувчилари ўртасида танлов ўтказган эди. Унга кўра ўз фанидан ташқари инглиз тилини мукамал билган ўқитувчилар Қўшма Штатларнинг ўқув муассасаларига ўзаро таъриба алма-

шиш учун юборилади.

Республика Таълим марказида мазкур танловнинг йигирма нафар ғолибини кузатиш маросими бўлиб ўтди. Халқ таълими вазири Р. Жўраев ғолибларни қизгин қутлаб, улар зиммасига ўзбек миллий таълим моделини океан ортида таълимни мукамал билган ўқитувчилар Қўшма Штатларнинг ўқув муассасаларига ўзаро таъриба алма-

риндорлари Калифорния штатидаги мактаб, коллежларда бўлиб, юрти-мизнинг таълим тизимидаги ютуқлар, ўқитиш тизимидаги энг яхши жиҳатларни АҚШда намоиш этиш билан бир қаторда Америка педагогик технологияларини ўрганадилар, умумий ва ўрта махсус илм масканларида фуқарошунослик фани бўйича малака оширадилар.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

Мурувват


ЎКСИК ДИЛЛАР ҚУВОНЧИ

Чирчиқдаги Алишер Навоий номли кинотеатр ҳузурида ташкил этилган «Орзу» ёшлар қаҳвахонасида шахар хотин-қизлар кенгаши ташаббуси билан маҳаллаларда истиқомат қилувчи ногирон ва ёрдамга муҳтож оилаларнинг бодан зиед фарзандларига атаб мурувват тадбири ўтказилди. Тадбирни шахар ҳокими М. Мирзиев очиб, ўқиб келаётган авлод вакилларига мамлакатимизда кўрсатилаётган ғамхўрликлар, бу борада шахарда қилинаётган ишлар, режалаштирилган тадбирлар тўғрисида сўзлади.

Ўқик кўнгилларга далда берувчи мазкур тадбирда иштирок этган вилоят ижтимоий мослашув маркази раисаси Г. Юнусова, «Наврўз» хайрия жамғармаси вилоят бўлими раҳбари М. Шоюсупова, «Соғлом авлод учун» жамғармаси вилоят бўлими раисаси Г. Ваҳобова ва бошқалар иштирокчиларга савгалик қилдилар.

Тадбир ниҳоясида ёшлар бадиий хаваскорлик жамоаларининг шу тадбир учун махсус уюштирилган томошалари намоиш этилди. Ўзларига кўрсатилаётган ғамхўрлик, алоҳида эътибор ҳамда мазкур томоша туфайли ато этилган қувонч лаҳзалари учун унинг иштирокчилари бўлиш билан бир қаторда ота-оналар кеча ташкилотчиларига самимий миннатдорчилик билдирдилар.

Шоира
УБАЙДУЛЛАЕВА.



Табиатнинг ўзи мусаввир.
Даврон АҲМАД суратга олган.

Келинг, кулишайлик

ЙЎЛИ ОСОН

Бир хоним узумфурӯшга деди:
— Илтимос, эримга икки кило узум тортиб берсангиз.
Айтинг-чи, узумга химикат сепганми?
— Йўқ, хоним. Бунинг хушбўйидаги дўкандан олиб, ўзингиз амалга оширсангиз ҳам бўлса.

АЛАМ ҚИЛМАДИМИ?

Талаба бот пулига ерғонқ сотиб олди. Биринчиси чаккиб қурса, икки бўш... бошқасини чаккиб қўриди, бум-бум-бум. Учинчиси, тўртинчиси... ва ниҳоят охири ерғонқдан катта-кон шяпая қийган каттакон кўрт отилиб қикчи сўради: Қалай, алам қилмадимиз?

Дилдора опани бугун жонлангиринг бўлимидан палатага ўтказишди.
— Эртага байрамнингиз. Ўқувчиларингиз табриклани келиб, Сизни кўришолмас, диққат бўлишадилар, — деди врач.

Ҳақиқатан ҳам, эрта-лабдан палата гулларга тўлиб кетди.

— Вой, аяжон. Сизни болалар роса яхши кўришар экан, каттиққўлсиз-ку, — деди кечга яқин келган қизи Ойгул гулларни кўриб.

Дилдора опа жилмайди. — Аяжон, Сизга Сурхондарёдан, харбий қисмдан хат келибди...

— Қариндошларимиз йўқ эди-ку, обектдингми? — бироз ховлиқди Дилдора опа.

— Балки, буям табриклир...

Дилдора опа қизи хатни олгунча шўшилли, ахир Сурхондарёдан, яна, харбий қисмдан — яхшиликка бўлсин-да.

Хатнинг шўшилиб ёзилгани кўриниб турарди.

«Азиз Дилдора опа! Мени эслайсизми? Қишлоқда дарс берганингиз-

сан», — деб берган пуллари берамгунимча ўтказмасди. Аввалига мен бунингизга айтолмадим. Синфдошларим «кўрқок», деб устимдан кулишадилар, деб ўйладим. Сўнг... айтдим.



Баҳодир, Баҳодир, ҳа, эсида бор. Кўкиш кўли, оқ-сарикдан келган бола эди.

«Эсингизда борми, мен сентябрда — Сиз бизга синф раҳбари бўлганингизда, хар кун кечкиб келардим. Даштдан қатнардим.

Йўлда ҳеч ким бўлмади. Қишлоққа яқинлашганда, қаҳҳор деган ўзравон бола кўнига баҳайбат ити билан чиқиб турарди.

— Пул бермасанг ўтказмайман, — деб дағдағда қиларди хар кун. Онаннинг: «Мактабда иссиқ овқат ей-

Сиз синфимиздаги энг кучли болаларни бир чеккага чақириб:

— Баҳодирга зўғум қилаётган болани ушлаб, кўрқинглар, — деб буюрдингиз. Синфдошларим ховлиқчи-шиб...

Дилдора опанинг юраги тез-тез ура бошлади. Ушангизда болалар қаҳҳор роса дўппослашибди. Эртасига мактаб директори Дилдора опани чақиртирди, қовоғи солиқ:

— Қаҳҳор деган боланинг онаси арз қилиб келди.

Ўқувчиларингиз уришибди. Синфимизга қирайлик...

Узоқ муҳокама қилишди. Болалар қаҳҳорни уришганини тан олишди, аммо Дилдора опанинг буюрганини сир сақлашди.

«Сиз ўшанда директорга: «Ўғуз кучга қарши адолатли куч бор эканини билиб қўйсин ўша қаҳҳор», — деган эдингиз. Дилдора опа, мана, ҳозир чегарада туриб, мактабда айтганларингизни кўп эсламан. Сафдош дўстларимга ўша воқеани ҳам айтиб бердим...»

Баҳодир хатининг сўнгига ўз муаллимасини байрам билан табриклаб, саломатлик тилagan эди. Хатлари эгри-бугри, хатолари бор. Барибир, Дилдора опага аскар ўқувчиси билан келган бу хат худди анави тоққадаги гуллардай чиройли кўринди. Кундалиги ичига авайлаб солиб қўйди.

Орзу АЪЗАМОВА, Тошкент шахар, М. Улуғбек туманидаги 64-ўрта мактабнинг 8-синф ўқувчиси.

Вилоят ИИБ матбуот маркази хабар қилади

ҚИДИРМИШ-ҚИДИРМИШ

Янгийўл шахри мактабларининг бирида жиноят содир бўлди. Уни содир қилган шахслар ҳали воқеа етмаган болалар эканлиги афсусланарлидир, албатта.

● Тунги соат 21.00ларда мактаб қорувлининг йўқлигидан фойдаланган шу мактаб ўқувчилари иккинчи қаватга кўтарилишди ва қалит таллаш йўли билан компьютер хонасига кириб, 7та компьютер, 3та принтер ва 4та дискет олиб кетишди.

Янгийўл шахар ИИБ ходимларининг саъй-ҳаракатлари туфайли жиноятчилар қўлга олинди. Тергов-суриштирув натижасида болалар қилган жиноятларига иқдор бўлишди. Компьютер мактаб жамоатчилигига қайтарилди.

● «Антитеррор» тадбири ўтказилаётган пайтда, Бекобод туманида ҳеч қаерда ишламайдиган шахс ўзининг «ВАЗ-2107» маркали автоуловни ёнида, атрофга олазарак боқиб турганда, ушланди. Автоулов йўловчиси — Янгийўл шахрида яшовчи ўзини Г. деб таништирган фуқаро текширилганда унинг ёнидан 2 кг.

0,95 грамм героин чиқди. Ови юришмаган гиёҳфурӯш шахслар ноқонуний хатти-ҳаракатлари учун қонун олдида жавоб беришларига тўғри келади.

● Қўйичирик тумани ички ишлар бўлимига босқинчилик жинояти ҳақида хабар қилинган, тезкор қидирув гуруҳи тузилиб, зудлик билан воқеа содир бўлган ерга етиб борди.

«Қизил Шарқ» қишлоғида яшовчи У. Раҳимовнинг уйига номаълум кимсалар бостириб кириб, оёқ-қўлини боғлаб, 100 минг сўм пулини олиб кетишганлиги маълум бўлди.

Олиб борилган тезкор тадбир натижасида ушбу жиноятни Янгийўл туманида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган шахслар содир этганлиги аниқланди ва улар қўлга олинди. Ҳозирда жиноятчилар қилган ишларига яраша жазо олмақдалар.

● Охангарон шахрида 15 август куни соат 16.50да но-

маълум шахс Холмұхамедов қўчасида жойлашган «Равшан» фотосалони олдида турган Охангарон шахридаги харбий қисм штаби бошлиғи Мухиддин Умаровга тегишли «ВАЗ-2106» русумли автоуловини олиб қочган.

Олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида ушбу жиноятни ҳеч қаерда ишламайдиган Ф. Эдилов содир этганлиги маълум бўлди. Автоулов техник сўз қолда эгасига топширилди.

● Чирчиқ шахрида номаълум шахслар Ариқбўйи қўчасида яшовчи уй бекаси Фарид Бойдадаевнинг уйига бостириб кириб, уни пичоқ билан қўрқитиб, нархи 50 минг сўмлик буюмларини олиб кетишган.

«Тозалаш» тадбири ўтказиш жараёнида ушбу жиноятни ҳеч қаерда ишламайдиган З. Меметов ва А. Носировлар содир қилганликлари аниқланиб, буюмлар эгасига қайтариб берилди.

Рустам ПИРМАТОВ, вилоят ИИБ матбуот маркази ходими.

Соғлом киши бир кунда тахминан 20 минг, бир йилда 7 миллион, 70 ёшга киргунча эса 500 миллионгача қадам босаркан. Унинг масофаси қанча эканлигини тасаввур қилиш учун шунини айтиш мумкин, кишининг бутун умри давомида босадиган йўли ер шарини экватор бўйлаб тўққиз марта айланиб чиқиб билан баравар ёки ердан ойгача бўлган узунликка тенгдир.

Инсон ўртача етмиш йил умр кўрса, шундан 23 йилни ухлаш, 13 йилни кишилар билан сўзлашиш ва 6 йилни ов-

қатлаиш учун сарф қилар экан.

Бир киши ўртача икким шароитида яшайдиган бўлса ил давомида бир тоннага яқин сувни истеъмол қилади.

Инсон кўзлари 0,00004-0,00008 сантиметр узунлиқдаги электромагнит тўлқинларини ҳам кўра олади.

Соғ халқ ойда ўрта ҳисобида 1-1,2 сантиметр, бир йилда эса 12-15 сантиметр ўсади. Кунда 40-50 соҳ толаси тўқилиши табиий ҳисобланади.

ШАҲАРДАГИ

«ЯЙЛОВИДА»

«Баъзи шаҳарларимизнинг истироҳат боғлари ва катта йўл чеккаларида чорва молларини боқиб одат тусига айланб бормоқда». (Матбуот хабарларидан).

Абдураҳман
ҲАКИМОВ
чиққан сурат.



Рассом хажв қилади

Турфа олам

ТАНОВУЛ ЧОФИДА САБОК

Мадрид шахри ресторанида янги хизмат йўлга қўйилди. Бу ерда мижозлар таом келтирилгунча инглиз тилидан сабоқ олади. Гарчи нонушта қилинаётган пайтда тил ўрганиш ажабланили туолса-да, гоёнинг ўзига хос томонлари бор, дейди ресторан хўжайинлари.

ДОРИНИНГ ИМКОНИ КЕНГ

Шамоллашга қарши ва оғриқни қолдириш учун ишлатиладиган оддий аспирин рақ касаллигига чалинган беморларни даволашда ҳам қўл келиши мумкин экан. Лондондаги Хаммерсмит шифохонаси олимлари ушбу шов-шувли кашфиётни амалга оширди. Мазкур тадқиқотлар ҳақида Лондонда нашр қилинадиган «Жонэл оф урولوҗи» ойнасида маълумотлар эълон қилинган.

Об-ҳавони кузатиш бош босқармасидан хабар қилишларига, 1-4 октябрь кўнлари поятимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво тез-тез ўзгариб туради. Вилоятимизнинг айрим ҳудудларида вақтинчаки янги ҳаво бўлиши эҳтимоли бор. Ҳарорат кечалари 3-8 даражадан 9-10 даражага, кундуз кўнлари эса, 12-17 даражадан 20-25 даражага оқиб бўлиши мумкин.

Ақмал Иқромов туманидаги «ОСИЕ БУНА» хусусий фирмаси ТУГАТИЛАДИ. Даволаб эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида 74-79 рақами телефон орқали қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
•
TOSHKENT HAQIQATI

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУХИДДИНОВ

Манзил:
700000, Тошкент шахри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
хатлар ва оммавий ишлар
бўлими: 133-40-48
Эълонлар: 133-40-48,
136-57-27.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.